# МИЛЛИЙ ҒУРУР ВА ОР-НОМУС ФАЛСАФАСИ

**Т.ОРТИҚОВ**

*В статье освещаются вопросы философского обоснования национальной гордости и чести, имеющие важное значение на современном этапе в нравственном воспитании молодежи и основанные на народных традициях.*

*Questions of the philosophical reasons of national pride and honor, which has great importance on modern stage in moral education of youth and based on the national tradition are illuminated in this article.*

Ҳар бир шахснинг қайсидир халқ ёки миллатга мансуб бўлишлиги табиий ҳолат экани, шунингдек, шахснинг сифатларида миллий жиҳатлар мавжудлиги ҳам оддий ҳақиқатдир. Миллий ғурур ва ор-номус атамалари яқинда чоп этилган “Маънавият” ва “Фалсафа” қомусий луғатларида ҳам бўй кўрсатган. Президентимиз “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида бизнинг улуғ аждодларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида ахлоқий мезонлар мажмуини ёки шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлигини таъкидлайди: “Ота-боболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибо ва иффат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади, десак, ўйлайманки, хато килмаган бўламиз” [1;118]

Дарҳақиқат, бизлар ор-номусли халқмиз. Қўшни ҳовлидан оилавий “даҳанаки жанг” овозини эшитган кексалар “уялмайсизларми” дея танбеҳ беради. Кўчасини супурмаган оилага, ўз ҳурматини йўқотган ўғилга, эрни ҳурмат қилмаган аёлга “уялмайсанларми” деб иза беради. Уят, ор-номусни ўз “Ҳикматлар”ида юксакка кўтарган бобомиз Аҳмад Яссавий инсон аввало Яратгандан ҳаё килиши кераклигини таъкидлаган. У зот уят, ор-номусини йўқотган одам худди ҳайвон жинсига айланиб қолади, дейди. Зеро, ҳадисларда “ал-ҳаёи минал иймани", яъни "ҳаё-иймондандир” деб уқтирилган.

Демак, ҳаёси йўқнинг иймони ҳам йўқ. Охирги йигирма йиллар давомида мамлакатимизга, Марказий Осиёга ғарб “оммавий маданияти” хуружи кучайди. Президент ўз асарида “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шуни ҳисобидан бойлик орттириш, бошка халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди,- деб огоҳлантирган. Ғарб мусиқаси, турмуш тарзи, оилавий қадриятлари, ҳатто айрим либослари, кўнгилочар ўйинлари бизга ёт ва уни ҳазм қилиш қийин. Савол туғилади: маънавияти, тарихи бой ўзбек халқи нега энди хориж андозаларини қабул қилиши керак? Ким бунга мажбур қила олади? Жавоб эса аниқ: саводсизлик ва савиянинг пастлиги, қолаверса, ўзлигини билмаслик, ўз юрти анъаналарини билмаслик туфайлигина ахлоқсизликни маданият деб тушунувчи ёшлар пайдо бўлмокда. Аслида, бутун Ғарб мамлакатлари, бутун дунё юксак ахлоқ ва маданиятни Осиё халқларидан ўрганиши керак-ку! А.Навоий бу хусусда “Олдиға қўйғонни емак – ҳайвон иши, оғзиға келганни демак – нодон иши",- деб айтган эди. Оммавий маданиятга қарши курашиш услуби “фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишдир".

Уят тушунчаси миллатга нисбатан қўлланилганда, миллат учун салбий ва унинг обрўсини тўкадиган саъй-ҳаракат, ҳолат кўз олдимизга келади. Россиянинг қўшиқ ёзувчи шоири Андрей Дементьев “АиФ” ҳафталигига берган интервьюсида “жамиятнинг бугунги ҳолатидан уяламан, ўзимни ноқулай ҳис қиламан”, дейди. У ёшлар тарбияси, иқтисодиёт, санъат ва маданият аянчли ҳолатдалигидан куюниб сўзлаган, “Жамият учун ўй ўйлаш ўғрилар қўлига қолди”, деган фикрни билдирган.

Миллат учун уят ҳисси, ор-номус ҳисси хорижга чиққанда яққолроқ билинади. Ҳар бир ўғрилик ёки маданиятсизлик қилган шахсга қараб ўзбек миллатига баҳо берилади ва “улар ўзи шунақа” деб изоҳлайдилар ҳам.

1997 йил ҳаж мавсумида Андижондан Макка шаҳрига борган ҳожиларимиздан бири гавжум йўлак ўртасига ўтириб тиланчилик қилаётганига кўзимиз тушди. Лекин бу одам унчалик ночор эмас, ўртаҳол оиладан эди. Бизлар бу иш яхши эмас, миллатга тавқи лаънат келтирманг, деб қайтарган бўлдик. У киши “Сизларнинг ишингиз бўлмасин. Мени бу ерда ҳеч ким танимайди” деб қайсарлик қилди. Керак бўлса пул йиғиб беришимизни айтсакда, кўнмади. Аэропортда, юк топшириш ва олишда одамларни туртиб ўтиш, навбатсиз ўтишга уринишларнинг гувоҳи бўлганмиз. Суюкли шоиримиз Абдулла Орипов ўзининг “Ҳаж дафтари” номли шеърлар тўпламида “Ҳожининг ҳамёнин урди-ку ҳожи"

деб, муқаддас жойларда ҳам инсон залолатдан қайтмаганини афсусланиб ёзади. Бунақа ҳолатлар, албатта, миллат шаънини топтайди. Тошкент аэропорти ходимларининг хорижга кетувчилар билан ўта қўпол муомалалари ҳафсаламизни пир қилган эди. Биз-ку майли, лекин йўловчилар орасида шундай муомалага хорижликлар ҳам йўлиқиши аниқ гап, улар бизларнинг юртимиз ҳақида кандай мулоҳаза билан кетаётган экан деган фикрни хаёлимиздан ўтказдик.

Ҳадиси Қудсийда (илоҳий ҳадислар) яратганнинг ўзи иймон йўлидан борганларни, каломимни ёд олган ёки ўқиганларни жаҳаннамга юборишдан ҳаё қиламан, дейиши айтилади. Миллий ғурурга келсак, бунда миллатнинг барча ижобий ютуқларидан айни шу миллат вакили эканлиги учун фахрланишигина эмас, балки ўзини доимо ислоҳ қилиб, миллатига гап тегизмайдиган амалларни қилиш, миллат обрўси учун курашиш тушунилади.

Яҳудий миллатига мансуб мактаб ўқувчиси дарс вақтида “Тушундингми” деган саволга “Йўқ” деб жавоб берди. Мавзу қисқа қилиб унга бир неча қайта тушунтириб берилди. Охирги марта тушунтиришдан сўнг “Тушундингми” деган саволга яна “Йўқ” деб жавоб берди. Шунда ўқитувчи “Яҳудий бўла туриб, яна тушунмадингми?" тарзида савол берди. Шунда, миллий ғурурига тегинган саволдан сергакланиб, ўқувчи "Йўқ, йўқ, мен тушундим” деб жавоб қайтарди. Ёки “Фалончи ўз отасини қариялар уйига берди” деган хабарни эшитган дўстим энсаси қотиб "Ўзбек бўла туриб отасини қариялар уйига берадими" дея афсусини баён қилди. Миллий ғурурнинг қўзғолиши инсон миллий камситилган ҳолатларда кўзга яққол ташланади.

Қайсидир юртларда ҳаёт яхши деб айтилса, ўша юртга кўчиб кетишга тайёр миллатлар бор. Лекин ўзбеклар ундай қила олмайди. Ардоқли шоиримиз Муҳаммад Юсуф Парижни, Францияни Марҳаматнинг бедапоясига алмаштирмаслигини айтиб шеър битган эди. Илгарироқ авар шоири Расул Ҳамзатов Париж ва Мадрид отелларидаги шароитни ўз юртидаги кўримсиз булоққа алмаштирмаслигини айтганида ҳам минг бор ҳақ эди. Собиқ шўролар даврида армия хизматидан қайтаётган йигитларга эргашиб келган рус қизларни кўрганмиз, лекин бизнинг ҳудудимизда армия хизматини ўтаб бўлган рус йигити билан бирорта ҳам ўзбек қизи бошқа юртга кетиб қолганини билмаймиз.

Миллат обрўси тарозининг бир палласига ва бойлик иккинчи паллага қўйилса, миллатпарвар инсон миллат обрўсини танлайди. Миллий ғурури ночор бўлган кимсагина бойликни танлаши мумкин. 1927 йилда Ростов шаҳри четидаги ўрмонда собиқ СССР чўнтаккесар ўғриларнинг йиғилиши бўлиб ўтади. Шу йили халқаро спорт фестивали Москвада бўлиб ўтиши керак эди. Ўғрилар бир овоздан ўз юртига келувчи меҳмонларнинг пулларини ўмармасликка қасамёд қилдилар. Бу нарса ўз мамлакатлари обрўсини тушириб юборишини таъкидлашиб, барча ўғриларни сиёсий жиҳатдан етук бўлишга даъват қилдилар. Гап миллий ғурур ҳакида кетаётган эди.

1901 йилда охирги Хоразмшоҳларидан бири бўлган Облоқулихон ҳузурига Саййид Ниёз Шоликор исмли тадбиркор ташриф буюрди. У Оренбург шаҳридан сақич келтириб дўконларда сотишини, кунлардан бир кун сақич ичида бир хум олтин танга келиб қолганини, “бу нарса мен учун ҳаром” деб Оренбургга хат ёзгани ва у ердан рад жавоби олганини айтиб, олтинларни хон хазинасига қабул қилишни сўрайди. Шунда хон ўз хазинабони билан маслаҳатлашди. Сўнгра ҳалол хазинани шубҳали олтинлар билан булғамайлик деб, тадбиркор келтирган олтинлардан воз кечади. Тадбиркор хон маслаҳати билан шаҳар марказида ўша олтинларга жомеъ масжиди қурдиради. Демак, яқин ўтмишимиз кишилари ҳалол ва адолатли кишилар бўлган эканлар. Уларнинг миллий ғурури куч-қувватларини юртни обод қилиш, муҳтожларга ёрдам бериш каби эзгу ишларга йўналтирган.

Миллий ғурур ва ор-номус тушунчалари ўзаро бир-бири билан боғлиқ эканлигини алломалар уқтириб келадилар. Чунки миллий ғурури бўлмаган инсонда ор-номус ҳам бўлмайди. Халқимизда “даюс” атамаси ҳам аҳён-аҳёнда ишлатилади. Миллий ғурурдан бехабар одам ўз аёлини “Нима бўлса ҳам пул топиб кел” деб кўчага чиқаради. Ўз аёлидан пул олиб ичувчилар бор. Эркакнинг ўз аёлига сабабсиз боқиманда бўлиб қолиши “даюс”ликнинг аломатларидан биридир.

Эркаклик ғурури миллий ғурурнинг якка эркак шахсидаги кўринишидир. Ўз оиласи шаънини, аёли, қизи, опаси, синглиси, акаси ғурурини ҳимоя қилмайдиган эркак ё ичувчи ёки даюс эркакдир. Демак, оила ғурури миллий ғурурнинг оиладаги кўриниши бўлиб, уни асраш, авайлаш оила бошлиғи ва бошқа эркакларнинг ҳам илоҳиёт юклаган, ҳам жамият юклаган вазифасидир.

Абу Лайс Самарқандий бир воқеани ҳикоя қилади. Подшоҳ туш кўрди. Тушида фалон маҳаллада бир одам вафот этган, уни дафн қилиш эса сенга топширилган, дейилади. Подшоҳ вазир билан тезда ўша жойга етиб боради. Марҳумнинг кимлигини суриштирадилар. Уларга марҳум фалон исмли ароқхўр ва зинокор деб хабар беришади. Марҳумни икковлон ювиб кафанлайдилар. Вазир эса марҳум оиласига хабар берайлик деб маслаҳат беради. Улар ўша манзилни қидириб топиб, марҳумнинг

қандай одамлиги билан қизиқдилар. Марҳумнинг хотини шундай деди: эрим қизиқ одам эди. Миллатим ароқ ичмасин деб, бор пулига ароқ сотиб олиб келиб, ҳожатхонага тўкиб юборар эди. Зино илинжида кўчада турган аёлларни ўз уйига бошлаб келар эди-да, уларга пулларни бериб: “Сизларнинг вақтингизни мен сотиб олдим. Энди мени тингланглар. Аллоҳ буюк ва кечиримлидир. Зинодан қайтинглар ва қачон муҳтожлик сезсангиз, менинг ҳузуримга келинглар”,- деб кузатиб қўяр эди. Аёли эса адашган аёлларга Қуръон ва ҳадисларни тушунтирар эди. Бир кун аёли: “Хўжайин, сизни одамлар тушунмайди. Сиз улар наздида ароқхўр ва зинокорсиз. Ишқилиб ўлигингиз кўчада қолмаса эди”,- деб зорланади. Шунда эр: “Эй хотин, қўявер, одамлар мени кўммаса, подшоҳ бор-ку. Эсингда бўлсин, Аллоҳ меҳрибон”, - деб тасалли берди. Подшоҳ ва вазир бу воқеа барчага ибрат эканлигини таъкидлаб, яратганга ҳамду сано айтишди.

Милий ор-номус, миллий ғурур мустақиллик йилларида яна куртак ота бошлади. Хайриятки, мустақиллик бор экан. Яна ўзлигимизга қайтдик. Унутилган қадриятларимизни тикладик. Яна эзгулик ва адолат карор топди. Бир вақтлар Аллоҳ назари тушган юртда иймон-эътиқод яна устувор бўла бошлади. Диндорлар, миллатлар қонун ҳимоясида. Юртнинг юзини ерга қаратадиган муртадлар, ватанфурушлар йўқ эмас. Начора, поданинг ичида... бўлиши табиий. Бизлар эса уларга ҳам инсоф тилаймиз. Ҳозир кўп халқлар бизларга қизиқиш кўзи билан қарамоқда, танлаган йўлимиз тўғрилигини вақт кўрсатиб турибди. Халқимиз эса бағрикенг ва матонатли халқ. Юртимиз Марказий Осиёда жаннатга қиёслайдиган юртга айланиб бормоқда. Бугунги Ўзбекистон қурилишлар ва бунёдкорликлар юрти бўлиб қолмоқда. Янгиликка интилиб яшаш халқимизга ва давлатимизга хос сифатдир. Вақти келиб хорижликлар Ўзбекистонни кўрмаганидан афсусда ва орзуда яшайдилар. Чунки бу юрт жаннатдан бир чимдим андоза олган юртдир. Бас, миллий ор-номус, миллий ғурур ҳисларимиз ҳам шунга яраша бўлмоғи лозим.

**АДАБИЁТЛАР:**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.- Т.: Маънавият, 2008
2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва воситалари.- Т.: Ўзбекистон, 2009

*Андижон давлат университети*
*2010 йил 29 апрелда қабул қилинган*